

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 7 апрель, Душанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 66 (11.127)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар



Шахримиздаги 23-оилавий поликлиниканинг шифокору ҳамширалари она-бола саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.



Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, жумладан, Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликни тўхтатиш ва вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Маълумки, қарийб 30 йилдан буён давом этаётган Афғонистон можароси жаҳон ахлини ташвиш ва хавотирга солиб келади. Утган давр мобайнида халқро жамоатчилик ва турли давлатлар томонидан ҳеч қимни четда қолдирмайдиган бундай ўта хавфли, қонли тўқнашувларга қандай қилиб барҳам бериш ҳақида қанчадан-қанча муҳокамалар, баҳсу мунозаралар бўлиб ўтгани, энг нуфузли халқро минбарлардан турли хил фикрлар баён этилгани кўпчиликка яхши аён.

бидан энг муҳим масала бўлмиш афғон халқининг халқро қолишига кўчларига нисбатан ишончини қозониш йўлини кўришимиз зарур, деб таъкидлади Президентимиз.

Афғонистоннинг кўна тарихи шундан далолат берадики, афғон халқини куч ишлатиш йўли билан бўйсундириш ва забот этиш мумкин эмас. Бу халқ ўзининг миллий табиати ва хусусиятлари, амалий ҳаракатлари билан бу ҳақиқатни кўп марта исботлаган.

Афғонистон заминидан барқарорликни мустаҳкамлаш ҳақида гапирар эканмиш, афғон халқининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш, бу борада халқро ҳамжамият имкониятлари ҳисобидан ёрдам ва кўмак ахратishi билан бир қаторда мамлакат аҳолисининг анъанавий диний, миллий-ма-

ва уларга умуман йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида яна бир муҳим масалани ўртага қўйди. Яъни, 1997-2001 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилати кўмағида самарали фаолият кўрсатган "6+2" мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокаралар жараёнини қайта тиклашга даъват этди.

Маълумки, Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Эрон, Покистон ва Хитой давлатлари ҳамда АҚШ ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган ушбу мулоқот гуруҳининг фаолияти Афғонистонда тинчликка эришиш йўлининг умумий принциплари ва ягона ёндашувларини ишлаб чиқишга қаратилган

ТОШКЕНТ — ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ

Кўз ўнгимизда пойтахтимиз Тошкент йилдан йилга обод ва кўркам, жаннатмакон гўзал бир масканга айланиб бормоқда. Пойтахтимизнинг ўтмиши ва бугунини солиштирадиган бўлсак, айниқса мустақиллик йилларида шаҳримизда бемисл ўзгаришлар, янгиланишлар, ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигини гувоҳи бўлаётимиз.

Яқинда пойтахтимиздаги «Чилонзор» буюм бозорига йўлим тушганда, у-бу харид қилиб юргандим, ўғилчасини етаклаб олган бир киши бу ердан қандай чиқиб кетиш мумкинлигини сўраб қолди. Хайрон бўлдим...

Кейин маълум бўлишича, ҳалиги одам Сурхондарёдан келган экан. Тошкентни кўрмаганига бир йилдан кўпроқ вақт бўлибди. Бу орада бозор мажмуаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани учун адашиб қолди. Пойтахтимизда бундай ҳоллар тез-тез ўраб туриши табиий. Аслида бунинг таажубланарли жойи йўқ. Чунки Тошкент кўндан кўнга ўзгариб, бутунлай янгича кўркам кўркам бўлмоқда.

Ўртимизнинг барча ҳудудларидаги каби жонажон шаҳримизда ҳам жадал қуришлар олиб борилади, бунёдкорлик, ободончилик бир зумга бўлсин тўхтагани йўқ. Мустақиллик йилларида равон ва кенг йўллар, замонавий кўприклар бунёд этилди. Шаҳар кўригига кўр қўлувчи мухташам бинолар қад ростлади. Эҳе, бу каби ўзгаришларни санаб, адоғига етиш қўйин.

Ҳа, бугун Тошкент нафақат мамлакатимиз, балки кўна Шарқнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида том маънодаги марказдир. Бир пайтлар Тошкентни «Нон шаҳри», «Дўстлик шаҳри» деб аташган. Мустақиллик йилларида бу ердаги улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий юксалишлар туфайли шаҳар яна бир марқомга эришди. Халқро ислом ташкилати (ISESCO) қарори билан 2007 йилда Тошкент ислом маданиятининг пойтахти сифатида эътироф этилди.

Кўни кеча давлатимиз раҳбарининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини матбуотда ўқиб, ҳаяжонланиб кетдим.

Демак, шаҳримиз янада чирой очади,

бундан-да гўзаллашади. Бунёдкорлик руҳига йўғрилган салоҳиятли ислохотлар давом этади. Зеро, бу ерда қилиниши лозим бўлган ишлар етарли даражада. Пойтахтимизнинг миллийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган шаҳарга айланиши йўлида ҳали кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилиши зарур. Ахир юртимизга келган ҳар бир хорижлик меҳмон Тошкентни кўриб, Ўзбекистонга баҳо беради.


Қарорда таъкидланганидек, шаҳримиздаги тарихий обидалар ва ёдгорликларни ободонлаштириш, уларнинг бугунги аҳамиятини янада оширишимиз, чет элликларнинг ушбу масканларга саёбатларини ташкиллаштиришимиз лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимизнинг мазкур Қарори асим Тошкентнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини жаҳон ахлига кўрсатишимизга, унинг маъини янада юксалтиришимизга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Муҳаммадқон ЗУФАРОВ,
«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси

Ҳа, пойтахтимизнинг чиройи кўндан кўнга очилиб, унинг кўркам нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки шаҳримизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонлар эътиборини тортди, уларни хайратга солмоқда. «Шарқ дарвозаси» деб ном олган Тошкентимиз дўстлик, бирдамлик марказига айланган десак адашмаймиш. Бугунги кунда шаҳар кўчалари, маҳаллалар, турар жой бинолари, мактаблар, поликлиника ва шифохоналар, олий ўқув юрталари, майдонлар, маданият ва истироҳат боллари, бозорлар, йўл ва кўприклар замонавий кўркамга эга бўлган.

Кўни кеча Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишон-



лашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори пойтахтимиз аҳолисини беҳад қувонтирди. Шаҳсан мен ҳам бу Қарорни ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Мазкур Қарорда таъкидланганича, Тошкент шаҳридаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадимжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги замонавий объектлар қуриш, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир тадбирлар режаси белгиланган. Ўйлаيمанки, ушбу Қарорга мувофиқ индустриалда шаҳримизда бунёдкорлик ишлари қўлами янада кенгайди, фахр-фитҳоримиз ва гуруҳимиз бўлган жонажон пойтахтимиз кўрми, жамоли барчани ва дунё ахлини мафтун этади. Илоҳим жаннатмакон гўзал ва обод шаҳримизни ёмон кўзлардан арасини, юртимизда тинчлик ва фаровонлик абадий бўлсин.

Абдулазиз МУҲАММАДҚАРИМОВ,
Халқро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
Қарорига мувофиқ
азим Тошкент
шаҳрининг
2200 йиллиги
2009 йилнинг май
ойида кенг
нишонланади

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Олмалик кон-металлургия комбинати» Наврўз шукуҳи давом этаётган ушбу кўтлуг кўнларда қорхонага қарашли 32 хонадондан иборат ишчилар ётоқхонасини тўздан таъмирлаб, шу жамоада беш йилдан ортиқ самарали меҳнат қилаётган ёш оилаларга янги хонадонлар қалитларини топширди.
- Республика Болалар кутубхонасида Тошкент вилоятидаги ахборот ресурслар марказлари ходимлари малакасини ошириш бўйича икки ҳафталик ўқув курслари ташкил этилди.
- Андижонда «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилганлигининг ўн йиллигига бағишлаб республика миқёсида илмий-амалий конференция уюштирилди.
- Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кўнга бағишланган «Амир Темурнинг ҳарбий санъати» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- Чирчиқда Жанубий Корея ҳамкорлигида «Дайшэн Мегатекс» қорхонаси фойдаланишга топширилган, шаҳар аҳолисиндан 750 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. Қорхонада бежирим ва сифатли спорт жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди.
- Избоскан тумани маркази Пойтўғ шаҳрида янги «Тагус-текстил» Ўзбекистон—Буюк Британия қўшма қорхонаси иш бошлади. Қорхонада жаҳон стандартларига мос сифатли қалава иплар ишлаб чиқарилмоқда.
- Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусикали драма театри репертури яна бир янги асар билан бойиди. Театрда драматург Ахрор Ҳасаннинг «Муҳаббат формуласи ёки сўнги пушаймон» асарининг тақдироти бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажот ОПЕК ташкилати аъзолари бўлмиш мамлакатлар ўз банклари ва ягона валюталарига эга бўлишлари лозимлигини таъкидлади.
- «Мустақил Косово» асосий қонуни лойиҳаси Приштина шаҳрида конституцион комиссия томонидан имзоланди.
- Ироқнинг Бағдод шаҳрида АҚШ ҳарбийлари томонидан амалга оширилган операция чоғида тўққиз нафар шиит жангарилари йўқ қилинди.
- Кеча Курск атом электр станциясида энергоблоклардан бири тўхтатилди.
- Кеча Англиянинг Лондон шаҳрида олимпия машъаласининг эстафетаси муваффақиятлив давом эттирилди.
- Кеча Белград шаҳри атрофида пестицидлар сақланаётган омборда портлаш юз берди.
- Тожикистоннинг Қўрғонтепа шаҳрида миллий хавфсизлик бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилган махсус операция чоғида хонадонларнинг биридан катта миқдордаги ўқ отиш қўроллари топилди.
- Хитойда бу йил ўтказилганда Ўзбекистон Олимпиядада волонтерлар сифатида қатнашиш истагини миллионга яқин ёшлар билдирди. Улар орасидан юз минг нафари танлаб олинди ва мазкур ёшлар улкан спорт анжуманида турли ёрдамчилик ишларида кўнгилчиллик сифатида иштирок этишади.
- 2007 йилда Париждаги машҳур Эйфель минорасини жами 6.893.000 киши томоша қилди. Бу жаҳондаги сайёҳлар энг кўп ташриф буюрган диққатга сазовор жойлар бўйича ўзига хос рекорд ҳисобланади. Мазкур минорани бошқарувчи компаниянинг пул айланмаси 4,7 фоизга ошиб, 51 миллион еврога ташкил этилди.
- Австралияда 35 та жамоа иштирокида ҳавода учиб ясама мосламалари орқали сувга сакраш бўйича фаройиб мусобақалар бўлиб ўтди.
- Халқро валюта жамғармаси АҚШдаги ипотека таназзули натижасида қўрилган зарар 445 миллиард долларни ташкил этишини маълум қилди.
- Хитойнинг бўйи 73 сантиметрлик 20 ёшли фуқароси Хэ Пенци ер қуррасидаги энг бўйи насти киши деб тан олинди ва шундай рекорд ўрнатганлиги ҳақидаги сертификатни у Гиннсинг Рекордлар китоби тахриридан олди. Ушбу гайритабиий рекорд Гиннсинг Рекордлар китобига 2009 йилда киритилди.

“ИСЛОМ ДИНИГА НИСБАТАН МУТЛАҚО АСОССИЗ ХУРУЖ ВА БЎҲТОНЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ДАРҚОР”

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ШУ ЙИЛ 3 АПРЕЛЬ КҮНИ БУХАРЕСТАДА НАТО/ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМҚОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ ВА НУТҚ СЎЗЛАДИ.

Жафқаш афғон халқи ўз бошига тушган бундай машъум фожиа оқибатида беҳисоб йўқотиш, мусибат ва талафотлар чекгани, кўпроқ четдан туриб қилинган кўпуровчи ҳаракатлар натижасида бу можаро ханузгача давом этаётгани, шу юрда яшаётган одамлар қандай оғир азоб-ўқубатлар тортаятганини Афғонистонга қўшни бўлган ўзбек халқи ва жамоатчилиги яхши билади.

Даний кадрларини ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш ва ушбу масала бўйича зарур қафолатлар бериш, бир сўз билан айтганда, шу ерда яшаётган одамларнинг маънавий қарашларини тан олиш принципал ва долзарб аҳамият касб этишини таъкидлаш дарқор, деб ўқтирди давлатимиз раҳбари.

Агар бундай ўта муҳим талабларга итоат қилинмаса, мана шундай сиёсат изчиллик ва қатъият билан амалга оширилмаса, Афғонистон муаммосини ижобий ҳал этиш, бу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга эришиш қийин.

Ислом Қаримов бу ҳақда атрофлича тўхталиб экан, бугунги реал воқеличи инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш мақсадга мувофиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқида баён этилган ва хар томонлама чуқур асослаб берилган фикр ва ҳулосалар, амалий тақлифлар нафақат Афғонистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш йўлида халқро ҳамжамият билан амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилашга қаратилгани билан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Жамоатчилигимиз томонидан бундай тақлифларнинг кенг қўллаб-қувватланиши шубҳасиз, албатта.

ЧОРАК ЯҚУНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йилги маърузасида ва ушбу йилги маъруза баёнида берилган топшириқлардан келиб чиқиб Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2008 йилнинг биринчи чораги яқунлари, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилишининг аҳоли, республикада муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясини ташкил қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Хисобот даврида соҳа қорхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, қорхоналарда модернизациялаш жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали экспорт имкониятларини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қорхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизмат турларини кўпайтириш ва ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, молиявий ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида амалий ишлар олиб борилди.

(Давоми 3-бетда).

Қаҳқаҳса сатрларда

- «ЁШЛИК» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида талабалар иштирокида «Давлатнинг ҳуқуқ соҳасидаги сиёсати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- «СОБИР» Раҳимов туманидаги «Фудзияма» кафесида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги олий ўқув юрталари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг иктидорли талаба қизлари иштирокида ўтказилган тадбир «Бормисиз, омонмисиз» деб номланди.
- «ТОШКЕНТ» Давлат юридик институтида «Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида ўтказилган давра суҳбати «Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» деб номланди.
- «СОБИР» Раҳимов туманидаги «Фудзияма» кафесида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги олий ўқув юрталари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг иктидорли талаба қизлари иштирокида ўтказилган тадбир «Бормисиз, омонмисиз» деб номланди.
- «ТОШКЕНТ» Давлат юридик институтида «Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида ўтказилган давра суҳбати «Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ВА РЕЖАЛАР

Тараддуд

ЭЪТИБОРАН БЎЛАЙЛИК

— Ўтган иситиш мавсуми ходимларимиздан алоҳида масъулият талаб этди, — дейди филиалнинг хавфсизлик техникаси хизмати бошлиғи Иброҳим Сайдалиев. — Чунки, барчамизга маълумки, қиш ниҳоятда совуқ келди. Тайёргарлик ишларини режа асосида амалга оширганимиз боис ҳам мавсумни кўнгилдагидек ўтказишга муваффақ бўлдик. Албатта, айрим жойларда содир бўлган носозликлар, камчилик ва нуқсонларни ҳам вақтида бартараф этишга ҳаракат қилинди.

Одатда жамоамиз аҳли кейинги кутузи-қишки даврга хозирликни иситиш мавсуми туғши билан бошлаб юборишди. Биринчи навбатда ўтган мавсумдаги камчиликларга эътибор қаратилади, уларни бартараф этишга киришилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илиқ кунлар бошланиши билан иситиш печлари ҳамда

ВНИСТО, КЧМ, АОГВ, АГВ-80, АГВ-120 сингари иссиқлик қозонларининг мўриларига эътибор сусайиб, бунинг натижасида дудбуронлар қизиши содир бўлади. Оқибатда ёнғин келиб чиқиши, унинг нохушлиқларидан кўпчилик азият чекиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларининг 13-бандида турар жойларга ўрнатилган маиший газ асбоблари, жиҳозлар ва аппаратларидан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик уй эгалари ва ижарачилар зиммасига юклатилганлиги кўрсатилган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигидан техник фойдаланиш қоидаларининг бандлари кўра газ асбоблари дудбуронларининг созлиги ҳақидаги далолатномани ҳар йили иситиш мавсуми бошланишидан олдин вақтида туманга идораларига топширили-

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» — БЕБАХО БОЙЛИГИМИЗ, ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ. ТАБИИЙ ГАЗ ҲАЁТИМИЗГА ШУ ҚАДАР ЧУҚУР СИНГИБ КЕТГАНКИ, УСИЗ БУГУНГИ КУНИМИЗНИ ТАСАВВУР ЭТИШ ОСОНМАС. ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА УЗЛУКСИЗ ВА ХАВФ-ХАТАРСИЗ ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШДА «ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ.

хужжат тумангага топширилади. Далолатнома учун ҳақ тўланган чипта хонадон оғасига берилади. Апрель ойида текширишни бошлаган ходимлар носозликларни аниқлаган ҳолларда хонадон аъзоларига ушбу газ асбобидан фойдаланиш тақиқланади. Шу ўринда яна бир зарур нарса — таъкидлаш лозимки, айрим хонадон эгалари ана шундай текширишларга рози бўлишмайди. Албатта, шундай ҳолларда бу муҳим ва фойдали юмушни амалга оширишга текширувчи ходимларга маҳалла оксоколлари ҳамда фаоллари ёрдам беришса, озгина эътиборлироқ бўлишса ҳам носозликларнинг олди олиш мақсадида истеъмолчиларга қулайлик яратган ҳолда дудбурон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ходимлар хонадонларга борадилар. Улар аввало шахсий гувоҳномасини кўрсатадилар, дудбурон ва шамоллатиш йўллари созлигини аниқлаган ҳолда истеъмолчи билан далолатнома тузадилар. Ушбу

ши учун турар жойлар, маъмурий ва жамоат бинолари эгалари, хусусий уйларда эса хонадон эгаларининг шахсан ўзи жавобгардир.

— **Дудбуронлар қандай текширилади?**

— «Қиш ғамини ёзда е» деган аjoyиб нақлимиз бор. Ана шу иборага амал қилган ҳолда коммунал соҳа ходимлари эрта баҳордан тараддудни бошлаб юборишди. Шу боис 2008-2009 йиллар қиш мавсумига тайёргарлик муносабати билан ҳамда кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида истеъмолчиларга қулайлик яратган ҳолда дудбурон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ходимлар хонадонларга борадилар. Улар аввало шахсий гувоҳномасини кўрсатадилар, дудбурон ва шамоллатиш йўллари созлигини аниқлаган ҳолда истеъмолчи билан далолатнома тузадилар. Ушбу

— **Аниқланган носозликларни сифатли бажариш учун истеъмолчи кимларга мурожаат этиши мумкин?**

— Дудбуронли газ асбобларидан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг аниқланган носозликларини бартараф этиши учун имкониятлар яратилган. Чилонзор, Шайхонтоҳур, Мир-

зо Улуғбек, Миробод туманларидаги хонадон соҳиблари М.Улуғбек тумани, Темир Малик кўчаси, 114-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ёнғинга қарши кураш жамоати (тел: 265-98-55) га, Ҳамза, С.Раҳимов, Юнусобод, Учтепа туманидаги истеъмолчилар Ҳамза тумани, Алиев кўчаси, 72-уйдаги «Бунёдкор-таъмир сервис» МЧЖ (тел: 298-63-82)га, Яққасарой, Бектемир туманларидаги газдан фойдаланувчилар Миробод тумани, Нукус кўчаси, 1-уй, 40-хонада фаолият кўрсатаётган «POJARNIY SERVIS» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ (тел: 175-17-73)га, Сергели туманидаги истеъмолчилар эса «Бунёдкор-таъмир бизнес» МЧЖ (тел: 298-63-83)га мурожаат этишса, мазкур корхоналарнинг малакали усталари носозликларни бартараф қилишади.

Истеъмолчиларга шуни эслатиш лозимки, табиий газнинг қадрига етиб, ундан оқилона, хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда фойдаланиш, носозликларни вақтида тугатиш фойдадан холи бўлмайди. Шунинг ҳамма ёдда тутиш зарурки, нохуш ва носоз ҳолатларни ўзбошимчалик билан эмас, балки соҳанинг малакали мутахассислари кўмагида бартараф этиш керак. Чунки бежизга «Чумчуқ сўйса ҳам қасос сўйсин» дейишмайди-ку.

Сухбатдош
Шарифа ИЛЁСОВА

КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА, АЙНИҚСА, ҚИШЛИ-ҚИРОВЛИ КУНЛАРДА КУТИЛМАГАН ПАЙТЛАРДА ИСТАЛГАН МУАММОНИНГ «МАНА МЕН» ДЕБ ТУРИШИ ҲАР ҚАНДАЙ УСТАСИ ФАРАНГ «КОММУНАЛЧИ»НИ ҲАМ ШОШИРИБ ҚЎЯДИ. АНА ШУНДАЙ ПАЙТДА БУ СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗ ИШЛАРИГА НЕҲОҒЛИК МАСЪУЛИЯТ БИЛАН НЎДШАЭТГАНЛИГИ КУНДАЙ ОЙДИНЛАШАДИ.

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги Дўмбробод маҳалласи ҳудудида бир пайтлар «Муслима сервис» номли уй-жой мулкдорлари ширкати бўларди. Ширкат идораси ҳалигача одамларда қандайдир «жанжалхона»ни эслагани. Мазкур ширкат ўзининг кўп сонли ишчилари ва масъулиятсиз раҳбари билан одамларнинг уй-жой мулкдорлари ширкатига бўлган ишончини дерли пучга чиқариб бўлган эди.

Ана шундай бир пайтда, яъни 2005 йилнинг июль ойида ён-атрофдаги уйларда яшовчи аҳолининг бир қисми тўпланиб яна бир бор «чиқмаган жондан умид» қабилида иш тутишди. Умумий мажлис Зулхумор Ориповани ширкат раҳбарлигига тайинлади. Тўғрироғи, Зулхумор опадан илтимос

Ширкат — ибрат

ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

қилишди: биз сизга ёрдам берамиз, дейишди...

Зулхумор опа ўзига ҳеч қачон осон бўлмастлигини яхши биларди. Энг муҳими, у ҳар қандай муаммони ҳал эта оладиган янги бир жамоа туза олди. Ва уздлиқ билан ишга киришди. Ширкатга қарашли уйлардаги иссиқлик узатиш тармоқларини обдон текшириб, таъмирталаб жойларни тартибга келтира бошлади. Аста-секин одамларда бу аёлга нисбатан ишонч уқунлари пайдо бўлди.

Янги раҳбар ширкатга қарашли уй-жойларнинг ҳолатига қараб капитал ва жорий таъмирлаш ишлари режасини ишлаб чиқди. 2005-2006 йилларда мавжуд 36 та уйдан 16 тасидаги иссиқ ва совуқ сув қувурлари 100 фоиз капитал таъмирдан чиқарилди. Чилонзор тумани ҳокимлиги ва туман коммунал таъмирлаш, авариya-тиклаш хизмати раҳбарияти ҳамкорлигида ширкат ҳудудида катта ишлар амалга оширилди. Бугун ушбу ширкат «Усмир сервис» деб номланади. Кўчалар, йўлақларга янгидан асфальтлар ётқизилди. Ҳар бир уй

атрофида янги ўриндиқлар, мустаҳкам эшиклар пайдо бўлди.

Зулхумор опа астойдил ишга киришиши билан ширкат ҳудудида ҳаёт жонлиги кетди. Шаҳар, туман ҳокимлиги ва ҳомий ташиклотларнинг кўрсатган ёрдамлари эса аҳолини янада мамнун қилди. Бу йил қиш коммуналчиларини яна бир бор синовдан ўтказди. Айниқса, янги йил арафасида Зулхумор опага ва унинг жамоасига осон бўлмади. Ярим туналрча издан чиққан жойлардаги носозликларни тугатиш, иссиқлик қувватини меъёрида ушлаб туришга эришилди.

Бугун Зулхумор Ориповани Дўмбрободда ҳамма яхши билади, ҳурмат қилади. Авваллари ширкат доирасида ҳал қилиниши керак бўлган ишлар учун ҳам аҳоли кўп ҳолларда туман, шаҳар ҳокимликларига мурожаат қилишга мажбур бўларди. Эндиликда ширкатга кўнгироқ қилсангиз кифоя, диспетчер телефон гўшагини қўймасидан эшитингиз тугмачасини ширкат ишчилари босиб турган бўлади.



Ҳозирда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари қизгин олиб борилаётганда. Зулхумор опа бу тадбирларнинг режаларини ҳали қишдаёқ тузиб қўйган эди. Бу юмушларнинг барчаси ширкат раҳбари бошчилигида уюшқоқликда олиб бориляпти. Олдинда эса ҳали режа асосида бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Уларнинг ҳаммаси аҳолига қулайлик яратиш, уйларни обод этишга қаратилган.

Азамат ТЎРАЕВ
СУРАТДА: ширкат ходимлари фаолиятдан лавҳа

Тўловлар

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАНГ

ҚИШНИНГ ҚОРИ-ҚИРОВЛИ КУНЛАРИ ҲАМ ОРТДА ҚОЛИБ, ОРЗИҚИ КУТГАННИМIZ БАҲОРНИНГ ИЛИҚ-ИССИҚ ДАМЛАРИ БОШЛАНДИ. ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ УЧУН ЯНА БИР МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМ БОШЛАНДИКИ, БУ ДАВРДА КЕЛГУСИ МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Бунда албатта, биринчи навбатда эътибор ўтган мавсумдаги камчиликларни бартараф этишга қаратилади. Улардан тўғри хулоса чиқарилган ҳолда носозликлар аниқланади ва таъмирлаш ишлари бажарилади. Бунинг учун эса етарли даражада маблағ бўлса керакли эҳтиёт қисмлар олинади, иш ҳам пухта адо этилади. Сифатли иш эса кейинчалик ҳам панд бериб қўймайди.

Ҳар доим таъкидланганидек, истеъмолчиларнинг коммунал хизматлари ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни вақтида адо этиши уй-жой-коммунал хўжалиги ривожланишида катта аҳамият касб этиб, ушбу маблағлар эртага ўзимизга сифатли хизмат бўлиб қайтади. Лекин, минг афсуски, буни ҳанузгача тушунмай ҳам хизматга, ҳам сифатга зарар етказиб, шунинг барбариде елкарларидеги қарздорлик юкани янада оғирлаштиратган айрим ҳамшаҳарларимизнинг лоқайдлигидан кўз юмиб бўлмайди. Уларнинг қарзлари ойма ой ортиб борсада, ҳамон парвойи палак юрганларидан ҳайрон қоласиз.

Айниқса, иссиқлик ва иссиқ сув учун тўловларни вақтида бажармаётганлар ҳақида куйиниб гапириш мумкин. Юнусобод тумани, 4-мавзе, 72-уй, 12-хонадондан 1.430.538 сўм қарзини турли баҳоналарни рўқча қилиб тўламаётган И.Бобоназаровни «қарздорлар сардори» деб аташа бўлади. Шунингдек, тумандаги 10-мавзе, 16-уй, 45-хонадондан Г.Ашурманова 858 633 сўм, 5-уй, 70-хонадондан Ш.Осмонов 529 628 сўм, 11-мавзе, 60-уй, 47-хонадондан А.Мухамедалиева 691.318 сўм, 13-мавзе, 58-уй, 96-хонадондан Т.Умаршайхов 628 693 сўм, 17-мавзе, 28-уй, 21-хонадондан Д.Мусахўжаева 699 007 сўм, 7-мавзе, 21-уй, 19-хонадондан Х.Исломов 474.500 сўм, Яққасарой тумани, Оқилов кўчаси, 37-уй, 11-хонадондан Н.Тошева 861.024 сўм, шу ўйининг 12-хонадондан О.Турсунхўжаев 584.841 сўм, Хўжанд кўчаси, 8-уй, 22-хонадондан М.Тўйчиев 678.530 сўм, Бошлик кўчаси, 5-уй, 6-хонадондан Искандаров 573.194 сўм қарзлари бўла туриб беларво юришибди.

Ичимлик сувини тозалаб аҳолига етказиб беришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг ўзига яраша захматли меҳнати ва харажатлари бор. Наҳотки, тириклик

манбаи ҳисобланган сувдан беминнат фойдаланаётган айрим ҳамшаҳарларимиз буну билишмасми? Йўқса фойдаланилган совуқ сув тўловини вақтида бажаришармиди... Миробод тумани, «Қўйлик-4» мавзеси, 5-уй, 54-хонадондан С.Гай 247.412 сўм, Учувчилар кўчаси, 29-уйдан А.Мақсудов 205.602 сўм, Афросиёб кўчаси, 15/1-уй, 20-хонадондан К.Аҳмедов 174.750 сўм, «Госпитал» даҳаси, 8-уй, 74-хонадондан О.Дамдалиев 118.880 сўм, С.Раҳимов тумани, «Қорақамиш» 2/1-даҳаси, 43-уй, 15-хонадондан Р.Ҳамидова 249.167 сўм, Бобохонов кўчаси, 13-а-уй, 2-корпус, 3-хонадондан Э.Нормуротов 175.933 сўм, «Қорақамиш» 1/2-даҳаси, 9-6-уй, 29-хонадондан Ш.Шоназаров 171 495 сўм, П.Турсунов кўчаси, 84-уйдан И.Ибрагимова 121.500 сўм микдориде совуқ сув ҳақини тўламай келишляпти. Улар ўз хонадонларида бир кунгина совуқ сув бўлмастлигини тасаввур қилишсин-чи, қандай аҳволга тушаркинлар.

Қимматли неъматларимиздан саналган табиий газ кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Уни бежизга «жоннинг роҳати», «беминнат дастёр» деб айтмаймиз. Аммо ҳамма ҳам унинг қадрига етавермайди. Бунга ойлаб газ ҳақини тўламай лоқайд юрган истеъмолчилар яққол мисол бўлади. Юнусобод тумани, Қодир Мақсудов кўчаси, 4-уй, 2-хонадондан Г.Кўчқорова (190.250 сўм), мазкур кўчада 7-уй, 4-хонадондан Мухамедов (190.056 сўм), 24/3-уйдан К.Жакипов (206.622 сўм), 13-уй, 2-хонадондан О.Быкова (381.312 сўм) қарздорликда ким ўзарга ўйнаётганлардан, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, ушбу тумандаги Шералиева кўчаси, 9-уй, 4-хонадондан Аҳмаджонова 179.864 сўм, 5-хонадондан Карниепко 101.696 сўм, Ҳамза тумани, «7-Лисунов» мавзеси, 5-уй, 2-хонадондан Мирзаев 171.774 сўм, 9-хонадондан Б.Мухамедиев 166.461 сўм, 11-хонадондан Ганиев 131.155 сўм, шу даҳадаги 2-уй, 1-хонадондан Қулбоев 155.828 сўм фойдаланилган газ ҳақини тўлашмаган. «Бугун-эрта»нинг ҳам чегараси бор. Шу боис юқоридаги барча истеъмолчилар қарзларини тўлашга шошилишса фойдадан холи бўлмасди. Ахир масъулиятни ҳис этиш, бурчини унутмаслик лозим-ку.

(Ўз муҳбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

УМУМИЙ ЙИГИЛИШ ҚАЧОН ЧАҚИРИЛАДИ?

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг умумий йиғилиши қачон чақирилади ва уни олиб бориш тартиби қандай?

Наргиза Умарова,
Учтепа туманида яшовчи хонадон эгаси.

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида таъкидланишича, ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши йилга камида бир марта ширкат уставиде белгиланган тартибда чақирилади. Ҳар йилги умумий йиғилиш молия йили тугагандан кейин олтинчи кундан кечиктирмай чақирилади. Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бошқарувнинг, ширкатда камида ўн фоиз овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббусига, шунингдек, тафтиш комиссиясининг талабига биноан чақирилиши мумкин.

Ширкат қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган тақдирда ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чақирилиши мумкин. Умумий йиғилиш ўтказилмайдиган жой, сана, вақт, йиғилиш кун тартиби ҳақида ширкат аъзоларини хабардор қилиш ширкат уставиде белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига умумий мол-мулкни сақлаш ишларининг режаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини, мажбурий бадаллар микдорларини қўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш киритилган бўлса, ширкат бошқаруви умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар ширкат аъзоларига мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари билан танишиш чикиш имкониятини таъминлаш шарт. Бундай танишиш тартиби ширкатнинг уставиде белгиланади.

Умумий йиғилиш, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи хозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартиралар ҳар уйдаги жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг камида эллик фоизи хозир бўлиши керак.

Яна оқоридеги қонунда шу нарса кўрсатилдики, ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини оддий кўпчилик овоз билан сайланган йиғилиш раиси олиб боради. Ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда бир овозга эга бўлади. Умумий йиғилиш баённома билан расмийлаштирилиб, у йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

СИРЛИ ОПАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрлади

• Дунё миксиде хозирга қадар яратилган енгил автомашиналар қаторига японияликларни торпедаси қўшилди. Соатиға 310 километр юрадиган машинанинг гилдираклари ҳам шунга яраша, яъни 8 та двигателнинг қудрати 580 от кучига эга. Торпеданинг намуна нусхаси Иокогаки шаҳарчасига келтирилиб намойиш этилмоқда. Торпедига ўхшаш аппарат, яъни унинг хомаки нусхаси Токионинг Кейо университетиде ишлаб чиқилди. Унинг узунлиги 8 метр ва саккиз кишини манзилга еткази олади. Қилин қирқ ёрадиган японларга қойил қолмай иложингиз йўқ. «Тойота» сингари «Торпеда» ҳам дунё миксиде миқозларга ёқиб тушишига заррача шубҳа йўқ.

• Япон мутахассислари қозғодан юпка бўлган аккумулятор яратишга муваффақ бўлдилар. Бунда ишчи орган сифатида қаттиқ электролитлардан фойдаланилди. Рубидий, мис, йод, хлор ва баъзи бошқа қўшимчаларни ўз ичига оладиган кукун изоляцияловчи полимер билан аралаштирилади. Олинган масса юпка қилиб суртилди. Қаттиқ электролит оқиб кетмаслиги, одамларга зарарсизлиги ва атроф-муҳитни бузмаслиги билан ажралиб туради.

• Кўмир билан ишлайдиган иссиқлик электр станцияларидан чиқадиган қул ва шлак махсус ўрларга ташлашни ҳама билади. Уларни шамол учириб кетмаслиги, ҳаво инфлосланмаслиги учун мутахассислар ўра озгини гийҳлар уруғидан минерал ўғит, махсус тайёрланган қоришма билан ёпишни тақлиф қилдилар. Бу қоришма тўқимачилик санаетидан чиққан, органик чиқиндилардан тўқилган газлама остига ташланади. Ярим йил ўтгандан кейин қоришма чирий бошлади ва уруғлар яйраб униб чикди. Ун йил ўтгандан кейин эса ҳосилдор қатлам ҳосил бўлади. Уни қишлоқ хўжалигида бемалол ишлатиша бўлади. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам.

• Америкалик тадқиқотчилар саратон (рак) ва юрак хасталиқларининг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан инсон таъбиға боғлиқ эканлигини аниқлашди. Чунончи, узок вақт кайфиятнинг бузуқ юриши, тушкунлик саратонга олиб келувчи омиллар экан, олинган маълумотлар асосида тадқиқотчилар махсус анкета тузишди. Бу хавф остиде қолган, лекин ҳали касаллик хуружи бошланмаган кишиларни аниқлашга имкон беради. Шундан сўнг тегишли муолажа ўтказилади. Ушбу усулда саратонга учраш хавфи аниқланмаган 50 киши зарур даволаш тадбирларини олишди. Натижада, 13 йилдан сўнг улардан 45 нафари соғ-омон ҳаёт кечиршида давом этишди. Холбуки, муолажа олмаган 50 кишидан атиги 19 нафари тирик қолганди. Хушфейлик—жон озғи, деган қадимий ибора шу тариха илмий тасдиқини топди. «Жаҳл келса, ақл кетар» деган иборани «Соғлиқ ҳам кетар» деб тўлдириш зарурга ўхшайди.

• Лондоннинг Голдсмит коллежидеги англиялик тадқиқотчи-олимпларнинг таъкидлашларича, сочи тўқилган эркеклар кўп сиклиб сочлари ҳақида ўйлаб азият чекар эканлар. Уртача 36 ёш бўлган 180 нафар эркекларда ўтказилган тадқиқотларга кўра сочи қанча кам бўлган одам шунча ўзига кам ишонини аниқлаган. Тадқиқот давомида эркеклар уч гуруҳга бўлинди. Соци тўқилган, сочи тўқилаётган, бу «дарди бедаво» билан безовталанмаганлар. Улардан тадқиқот мавзуси сир тўтилиб, улар ўзларига, имкониятларига қанчалик ишонини, ишонмаслиқлари, ҳаётга қизиқишлари текширилди. Олинган маълумотларга қараганда ҳаммадан ҳам сочи тўқилганларнинг аҳоли танг экан. Ҳаттоки, икки тола сочи тўқилган ёш эркеклар ўзларининг шу сабаб, жонларига қасд қилмоқчи бўлганини, яна бир жабрдийда эса умр бўйи ошпаз бўлиб ишлашини маълум қилган. Мақсади ошпазлик қалпоғи билан бошини беркитиб юриш бўлган.

• Америкалик олим Фрэнк Флуднинг айтишича, мусика юраги хаста кишиларга яхши кайфият бағишлайди. Ёқимли куй беморлардаги тушкунликни йўқотади. Касаллик туфайли пайдо бўлган ваҳима ва хавотирни унутишга ёрдам беради. Японияда эса фалати кузатув ўтказилган. Агар эмизиклик аёл классик куйларни тингласа болага меҳри ортар, жаз ва замонавий мусикалар эса уни камайтира экан.

• Олимпларнинг мўлжалларига қараганда, 70 йил умр кечирган одам умрининг 6 йилини дастурхон устиде овқатланиш билан ўтказар экан. Ош қошиқ билан 70 йил давомида озгингизга солган таомингизни ҳисоблаб чиқса, емишнинг умумий оғирлиги 100 тоннага яқин келиши экан. 55 яшар эркек одам эса ўз умрининг 3350 соатини соқол олиш билан ўтказар экан. Агар шу ёшга етгунга қадар соқолингизни ўз эркига қўйиб берсангиз, унинг узунлиги 9 метр бўлиб, белингизга 5 марта ўраб юрган бўлар эдингиз.

• Болтиқбўйи давлатларига бориб келган кишилар у ерда тозалик ва озодликка жуда катта эътибор берилиши ҳақида кўп гапирдилар. Бунга улар қандай эришдилар, деган савол эса кўпчиликни қизиқтиради. Сабаби битта. У ҳам бўлса қатий қоралар қўлланмади. Биргина Латвиянинг Вентспилс шаҳридаги аҳолга кўз югуртирайлик. Бу порт шаҳрининг чекиш ман қилинган жойида тамаки тутатиб қўйингми, бас, дарҳол 50 лат жарима тўлайсан. (лат доллардан икки баробар қиммат бўлиб, мамлакатдаги ўртача пенсия 30 латга тенгдир). Сигарета қолдигини қўринган ерга ташлаб кетувчилар, писта чақиб, пўчоғини йўлга ташовчилар, белгиланмаган жойда машинасини ювувчилар, кечаси соат 23 дан эрталаб 6.00гача ўз уйда магнитофонни баяндан овоз билан сайратувчиларни ҳам худди шундай жарима қутади. Қўчада, шунингдек, жамоат жойларида туфлаш, ювилган кийимларни балконга олиб қўйиш, йўл бўйидаги майсалар устиде юриш 10 лат жарима билан жазоланади.

• Вашингтонда Жон Хопкинс номли тиббиёт мактабиде инсон нейронлари лабораторияда синтез қилиб олинди. Нейронларнинг бўлиши ва ўсиши текширувлардан ўтказилди. Шу пайтгача инсон ҳужайраларини организмдан ташқарида ўрганиш мумкин бўлмаганди. Қилинган янги кашфиёт инсон мияси биологик кимёсини ва генетикасини ўрганишга, касалланганда керак бўладиган дори-дармонларни қидириш, ҳатто лаборатория шароитларида «эҳтиёт қисмча»ларни ўстиришга имкон беради, деган умидлар билдирилмоқда.



Тадбирлар

СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИБ

Кўхна Кешинг осмонга чиққан ойдан,
Неча аср тулларининг юзи ёруғ.
Оқ тиллақлар қанот қоққан Оқсаройдан
Олам узра Темур номи солар доғруғ.

Тарих силсиласида ўчмас из қолдирган буюк бобокалонларимиз ёдини хотирлаб, аждодларимиздан етиб келган тарихий-меъморий бойликларини асраб-авайлаш хисси устунлик қилади.
Куни кеча Темурлар тарихи Давлат музейида «Олам узра Темур номи солари доғруғ» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда темуршунос олимлар, ўқувчи-ёшлар иштирок этдилар. Тошкент Молия институти қошидаги Молия академик лицейи талабалари томонидан эса бадий саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

БУ САТРАЛНИ ТИНГЛАБ, БУЮК САРКАРДА, БОБОКАЛОНИМИЗ АМИР ТЕМУР ҚУДРАТИ АСРАБ ОЛСА ҲАМКИ, БУТУН ДУНЁДА ТАН ОЛИБ КЕЛИНАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА ФАХР ВА ИФТИХОР БИЛАН УЙГА ТОЛИБ ҚОЛАМИЗ. КЎХНА МОЗИЙГА ЯНАДА ЗИЙРАКРОҚ НИГОҲ ИЛА БОҚКИМИЗ КЕЛВАРАДИ.

Тадбирда қатнашган ёшлар қалбида буюк тарихимиз билан боғлиқ фахр ва ифтихор туйғулари жўш урган бўлса, ажабмас. Зеро, тарихимизга, хусусан буюк тарихий сиймоларимизга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган бундай замонда яшашнинг ва ижод қилишнинг ўзи катта бахтдир.

Юлдуз РИЗАЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Козим Улмасов олган сурат

ЭРОНДА ЎЗБЕКISTОНГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ НАШР ЭТИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТЕХРОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА 2007 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ «ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ», ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ, ШУНИНГДЕК САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИК ҲАМДА МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ФОРС ВА ИГЛИЗ ТИЛЛАРИДА НАШР ЭТИЛГАН КИТОБНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур китобда бу муҳим воқеаларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг интервьюси ҳамда нутқлари, шунингдек, қатор халқаро ташкилотлар – Ислам Конференцияси ташкилоти (ИКТ), Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (АЙСЕКСКО) ва Бутунжаҳон Ислам Лигаси, Ислам тараққийот банки (ИТБ) раҳбарлари ҳамда Эрон расмий доира вакиллари билан келган табрик мактублари ўрин олган.
Китобхонлар ушбу нашр орқали Ўзбекистон ва унинг пойтахти, Самарқанд ва Марғилон сингари тарихий шаҳарлар ҳақида, шунингдек республиканинг ижтимоий-сиёсий соҳада эришяётган ютуқлари, мамлакат ҳукуматининг ўзбек халқи тарихий-маданият ҳақида маънавий меросини қайта тиклаш ва уни ўрганиш борасидаги фаолияти билан батафсил танишади. Китоб Ўзбекистоннинг бугунги кундаги ҳаётини ҳар томонлама очиб берувчи рангли фотосуратлар билан безатилган.
Китоб тақдимида Эроннинг қатор вазирлик ва идоралари, ижтимоий-сиёсий ва илмий-тадқиқот доиралари, мамлакат оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек ИКТ, АЙСЕКСКО, ЮНЕСКО ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Маданият институти каби халқаро ташкилотлар ҳамда Техронда аккредитациядан ўтган дипло-

матия миссиялари ходимлари иштирок этди.
Тақдимо доирасида давлатимизнинг замонавий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг китоблар, босма маҳсулотлар, шунингдек ўзбек халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди.
Тадбир иштирокчиларига мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида бой маданий меросни қайта тиклаш ва уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ишига катта эътибор берилётгани ҳақида маълумотлар берилди. Буюк аждодларимиз, аллома ва мутафаккирларимизнинг ҳоқиқатан муқаддас қадимжоларни қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бебаҳо илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляётгани қайд этилди. Ўзбек халқининг ислом цивилизацияси раваннага кўшган муносиб ҳиссасининг эътирофи рамзи сифатида АЙСЕКСКО ташкилоти томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда «Ислам маданияти пойтахти», деб эълон қилинди.
Унда Тошкент шаҳрининг «Ислам маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик ҳамда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилган тадбирлар ҳақида батафсил сўзлаб берилди.
Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон

раҳбари Ислам Каримовнинг бой маданий меросни қайта тиклаш ва уни асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бердилар. Таъкидландики, мусулмон ҳамжамияти томонидан ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига кўшган ҳиссасининг юксак эътирофи этилаётгани ана шундай эзгу интилишларнинг маҳсули бўлмоқда.
Халқаро эксперт, Техрон университети ўқитувчиси, Россия, Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ этиш бўйича марказнинг илмий кенгаши аъзоси, доктор Баҳром Амирахмадиди ушбу китобнинг форс тилидаги таржимаси муаллифи ҳисобланади. У тарихий ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш борасида Ўзбекистоннинг хиссаси ҳамда ўзбек халқи миллий меросини тарғиб этишда мамлакат раҳбарияти амалга ошираётган амалий чора-тадбирлар тўғрисида маъруза қилди.
Б.Амирахмадиди ўзининг Ўзбекистонга қилган сафари чоғида олган таассуротлари ҳақида сўзлаб, юртимизда тарихий-маданий қадриятларни асраб-авайлаш ва уларни қайта тиклаш борасида олиб бориляётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини ўз кўзи билан кўриш имкониятига эга бўлганини қайд этди.
У Ўзбекистон ҳукуматининг Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом меъморий мажмуасининг тарихий кўринишини қайта тиклаш бўйича амалга оширган саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик эканини қайд этди. Шу ўринда эронлик олим Амир Темур музейида ислом тарихи, жумладан Теурийлар давридаги бебаҳо маданий

ёдгорликлар сақланаётганига ургу берди.
Б.Амирахмадидининг фикрига кўра, Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари – Шохи Зинда, Гўри Амир, Бибиҳоним мажмуалари, Регистон майдонини, шунингдек Бухородаги Мир Араб мадрасасини сўз билан таърифлаш мураккабдир.
— Ҳар бир киши ислом маданиятининг қадимий ёдгорликлари нечоғли улугвор эканини ва уларни таъмирлаш бўйича Ўзбекистонда бажарилаётган ишларни ўз кўзи билан кўриши лозим, — дея таъкидлади Б.Амирахмадиди.
Мозандарон университети ўқитувчиси Мустафо Рустамий Тошкент шаҳрининг «Ислам маданияти пойтахти» сифатида танлангани жуда тўғри эканини мамнуният билан қайд этди. Олимнинг сўзларига кўра, у Эрон ҳамда Ўзбекистонда муайян илмий тадқиқотларни олиб борган ва ўзбек халқининг ислом тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш ҳамда уни қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолагани.
Эронлик тадқиқотчининг таъкидлашича, у яқинда республикамизда бўлган чоғида ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ана бир бор хис этган. Шунингдек, М.Рустамий «Тошкентда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан тарихий-маданий ёдгорликларни биргаликда ўрганиш учун муносиб шарт-шароитлар яратиб берилгани»ни таъкидлади.
Техронда бўлиб ўтган Ўзбекистон ҳақидаги китоб тақдими Эрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёрилди.
«Жаҳон» АА,
Техрон

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛИ
(Давоми. Боши 1-бетда).
2008 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича жами 283,3 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 154,6 фоизни ташкил этди.
Экспорт режиси 116,4 фоизга бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 51,9 миллиард сўмлик (39,3 миллион АҚШ доллари) тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл сармоялари ўзлаштирилиб, бу борадаги режа 108,1 фоизга урданди.
Йилгилида вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини янада чуқурлаштириш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўпайтириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариши, қишлоқ жойларида замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш, электрон ҳужжат айланишини кенг йўлга қўйиш масалаларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги қайд этилди.
Шу билан бирга, Комплекс таркибидagi идораларда «Ешлар йили» ва бошқа устувор Давлат дастуруларининг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини кучайтириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасида тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.
(УЗА)

Санъат
ТЕАТРЛАРГА ЙЎЛЛАНМА
ЁШ РЕЖИССЁРЛАР УЧУН ИЖОДИЙ МАҲОРАТ МАКТАБИГА АЙЛАНГАН БУНДАЙ ФЕСТИВАЛЬ ДАСТАЛАБ 2005 ЙИЛДА УЮШТИРИЛГАН ЭДИ. ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН БУНДАЙ ФЕСТИВАЛДА МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ САҲЪАТ ИНСТИТУТИНИНГ БИТИРУВЧИ ТАЛАБАЛАРИ ҲАМ ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШМОҚДА.
Бу сафарги фестивал Ешлар йили Давлат дастури доирасида ўтказилди. Энг янги диплом спектакллари билан нечтаси танлаб олинди. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бirlашмаси солиҳларни муносиб тақдирлаб, уларга вилот театрларида фаолият кўрсатишлари учун йўлланмалар берди.
НАФОСАТГА ЙЎҒРИЛГАН КАРТИНАЛАР
ЎЗБЕКISTОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШ РАССОМЛАР АСАРЛАРИДАН ИБОРАТ ЭКСПОЗИЦИЯЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИШ ЯҲШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. «ҚАЛБ ТАРОНАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМА ЭСА ИЗЛАНУВЧАН МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ ТОШПЎЛАТ НАМОЗОВ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ.
Бадий академия ҳузуридаги рассомлар ижодий бирлашмасининг аъзоси янглиг ёш ижодкор кўпгина қўшиқлари картиналар яратди. Унинг кейинги йилларда ўлкамиз манзараларини акс эттирувчи асарлари ҳам бу кўргазмадан ўрин олди.
Ушбу тадбир доирасида уюштирилган давра суҳбатида рассом муҳлисларга янги ижодий режалари ҳақида гапириб берди.
Тиббиёт
«ШАРҚ ТАБИБИ» БАЛЬЗАМИ
МИЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА ХОМ АШЁ МАНЕБАЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН ЙИРИК ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИДА КАМ ЎСАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ КўПайТИРИШГА ОИД ИЗЛНИШ ҲАМ ЎЗИНИНГ ИЖОДИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА.
Доривор мойчек, тирноқул каби ўсимликларни ўстириш бўйича яратилган технология ҳам олий ўқув юрти олимларининг ютуғи бўлди. Эндилда жойларда ушбу технология асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.
Янглиганашига қарши ва шифобахш хусусиятга эга хандемия суяқ экстракти, йўталга қарши дорилар ҳам институт лабораторияларида тадқиқ қилинди.
Эндилда «Шарқ табиби» бальзами ҳам доривор восита сифатида турли муолажаларда қўлланилмоқда.
МАРКАЗГА ЯНГИ ГРАНТ
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЙИРИК ШИФОБАХШ ДАРҒОҲЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНДИ. РЕСПУБЛИКА АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ НЕГЗИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН МАЗКУР МАРКАЗДА БИР НЕЧА БЎЛИМ ВА ЛАБОРАТОРИЯ БОР. УЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ АСБОБ ВА УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ КўРИЛМОҚДА.
Япония ҳукумати томонидан махсус грант ажратилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. 367 миллион япон иени миқдоридagi бу маблағ ҳисобидан 70 га яқин номдаги 500 дан ортиқ турли жиҳозлар харид қилинади. Улар орасида жарроҳлик асбоб-ускуналар, нархоз-нафас олиш аппаратлари реанимацион воситалар анчагина. Бу эса клиник шароитда юқори технологик усулда муолажалар олиб бориш имконини яратди.
Шунингдек, мутахассислар малакасини ошириш, бой чет эл тажрибаларини қўллаш учун ҳам маблағлар сарфланади.
Акбар АЛИЕВ

ЁЗУВИНИНГ ОРЗУСИНИНГ РЎЁБИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ ЭРКИН АЪЗАМОВНИНГ «ЖАННАТ ЎЗИ ҚАЙДАДИР?» НОМЛИ ҚИССАСИ АСОСИДА САҲНАЛАШТИРИЛГАН «ТАЛВАСА» СПЕКТАКЛИ НАМОЙИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.
Қиссадаги воқеалар яқин ўтмиш, 2001 йилда содир бўлади. Унда она Ватаннинг муқаддаслиги, юртва муҳаббат туйғусининг тотли ва ҳеч нарсага алишиб бўлмағлиги гоёси илгари сурилган.
Асар жиддий, аммо бошдан охиригача куласиз. Бу шунчаки, оддийгина кулгу эмас, юртакни ларзага соладиган кулгу. Бу асарни хақиқий комедия дейиш мумкин. Ёзувчи жамият, унда яшаётган инсон қиёфасидаги одамлар, талвасага учраган, моддий бойликка ружу қўйган кишилар устидан кулади. Уларнинг тақдирини, хатти-ҳаракатини аччиқ истеҳзо орқали тасвирлайди.
Томошабин спектаклда ўзини, оиласи, қўни-қўшнисини, ёнидаги одамларнинг ҳаётини аниқ-равшан кўргандай бўлади. Асарда ҳозирги замон, бугунги кун, биз яшаётган жамият ҳаёти тасвирланади.
Спектаклда машҳур актёр Эркин Комилов — «домла» ролинини ижро этади. Домла билимли, зиёли, «Жийдали»дан чиққан профессор, қапани характерли, оддий кишлоқ одами. Унга турли хил мактовлар ёқмайди. У хотини Роза Хасановани, қизи Кларани ва раис ўртоғининг ўғли Турсунини фан номзоди даражасига кўтаради. Угли Мэлсиннинг ҳам илм йўлидан кетишини хоҳлайди. Аммо...
Асарда «Роза Хасанова» образи орқали жуда кўп нарса айтади. У кишлоқдан чиққан, бойликка ружу қўйган, бир кишлоқ доирасида фикрлайдиган аёл сифатида гавдаланади. У ҳозир катта бизнесмен, пул топмоқда, шунинг учун оилада унинг тили ҳам узун. Унинг Американи бир кишлоқдай тасаввур қилиши кишини ҳам қулдиради, ҳам ўйлантиради.
Спектакль давомида севги, меҳр каби буюк туйғулар улуғланади. Инсондаги бойликни ҳар недан устун қўйиш, ўзгалар қўфатидан қувониш каби жирканч иллатлар танқид остига олинади. Ўйлаб қоласан киши, бу иллатлар қачон ва қандай тугилади? Инсоннинг бундай ўзгаришига нима ёки қим сабаб? Инсон онгини бўзётган инсонларнинг ўзини ёки жамият, шу каби саволлар орқали сизу биз яшаётган жамият қиёфаси чиғиб берилади.
Асар шундай ёзилган, деҳқон ўз дунёси билан тушунса, олим ўзинча идрок этади.
Қувонарлиси, яна бир ажойиб асар дунёга келди. Саҳнада жонланди ва ўқувчига нимадир айта олди. Ёзувчи оразусининг рўёби шу бўлса керак.
Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,
«Туркистон-пресс»

НОН — АЗИЗ НЕЪМАТ

Ёшлиқда дастурхон атрофида ўтирганимизда падаримиз нон ушатаётиб бир нарсани қайта-қайта такрорларди.
— Нон — азиз неъмат. Унинг қадрига етинг болаларим. Нафақат новвойнинг, балки неча-неча деҳқоннинг оғир меҳнати, пешона териси эвазига бу нон келган бу табарруқ махсулот. Уни увол қилиш, хор қилиш ноқуруқлик ҳисобланади, — дея ноннинг ушогини ҳам ерга тўқмаслигини қўлоғимизга қуярдди.
Эсимда, уйимизнинг орқа томони кенг сайхонлик эди. Шу ерга ҳар йили эрта баҳорда хўжалик деҳқонлари дон сочишарди. Дон униб чиққандан то ҳосилга кириб, йиғиб-териб олингунча керагича парвариб қилинарди. Бўлиқ бошоқлар авжи етилган палла ўрқочилар ўрим ишларини жадал бошлаб юборишар, фарам-фарам бошоқлар шу ер-

сан беихтиёр. Олий зот инсон оддий бир ҳашарот чумоличалик ноннинг қадрига етмаётганидан, уволдан қўрқмаётганидан хайратга тушасан.
Минг шукрлар бўлсинки, юртимизда нон сөрөб. Лекин мўл-қўл экан деб унинг қадрига етмасак, беҳуда исроф бўлишидан қўрқмай, тежаб-тергамасак бориб турган ношукрчиликка, нон исрофгарчилигига йўл қўйган бўламиз. Нон исрофгарчилиги, увол ҳақида гап борганда беихтиёр бир ривоят эсга тушади.
Чорасиз қолган гадо очлик азобида кўкка қараб нола қилибди.
— Эй борлиқни яратган қодир эгам, ўзинг менга ҳаёт бердинг, жон бағишлаб тирик жон қилиб яратдинг, нечун ризқ-рўзимни бут қилмадинг?
— Шунда қўқдан:
— Эй ношукр бандам, барча қатори сенинг ҳам насибдани бут қилдим. Дастурхонингга қут-барака бердим. Лекин сен унинг қадрига етмадинг. Уволидан

табдош дўстларимиздан бири Салим-жонни учратиб қолдим. Сўраб-исташганимиздан сўнг шўх ўйинқароқ ёшлигимиз, баъзи мактабдош дўстларимизни эсладик.
— Хўжаназарни кўриб турибсанми? Саволимга дўстим бир жилмайди-да, кейин сўради.
— Вой ҳали эшитмадингми?
— Нимани?
— Хўжаназарнинг вафот этганини.
— Ие, қачон?
— 20 кунча бўлди. Эртага эрталаб Юнусобод тўйхонасида маърака оши бўляпти. Албатта борин.
Безор дўстимизнинг вафотини эшитиб ачиндим, куйиндим. Уни сўнгги йўлга кузатолмаганимдан афсусландим. Эртасига барвақт туриб маърака ошига бордим. Ажабо, ҳайхотдек ошхона олди бўм-бўш, хассакашлар кўринмасди. Янглишим шекилли, деб ўйлаб анча туриб уйга қайтидим.
Кейин сўраб-суриштирсам Хўжана-


ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

нинг ўзида янчилик, улардан чиққан сара донлар пешма-пеш омборхоналарга жўнатиладди.
— Ўрим-йиғим ишлари тугаб ҳосилдан бўшаган далалар хувиллаб қолганда, биз шу яқин атрофда яшовчи болалар унча-мунча тўқилиб қолган бошоқлар теримини бошлаб юборардик. Кечгача дала кезиб тўрва халтамининг бошоққа тўлдириб, уйга қайтганимизда онамиз хурсанд бўлиб:
— Бу ҳам ризқу-рўз болаларим. Шунча донни бизга ким беради. Далада қолиб кетса увол. Бошоқ териш ҳам савоб, ҳам давлат. Буларни янчиб тозалаб олсак киши билан тадиримиз бўрсилдоқ нонларга тўлади, — дердилар елкамизга қоқиб.
Бошоқ терими тугагандан сўнг, чумолилар ғимирлаб қолишарди. Улар ҳам қолган-қутган донларни битта қўймай инларига ташмалашарди.
Йиллар ўтди. Катта бўлиб улғайдик. Қийинчиликлар ортада қолди. Дастурхонимиз нонга тўлди. Сара нонларни танлаб еганимиз бир сари, хатто уни увол қилишгача бориб етдик. Тўй-туркунарда, маъракаларда, катта-катта йиғинларда қайта-қайта синдирилиб, дастурхонда уваланиб ётган нонларни кўриб ҳайрон бўласан. Баъзи хонадон эгалари томонидан қолган-қутган, қаттиққуруқ нонларнинг уволдан қўрқмай, молга бериш, хатто уларни ахлат қутисигача ташланаётган ҳолатларни кузатганимда ризқу рўзини бутлаш учун дала кезиб, бир донга дон топса тезроқ манзилига етказишга ошиқаётган, дастурхон атрофида тўқилган нон ушоқларини шўшқич ташмалаб юрган чумолилар кўз ўнгингда гавдаланади. Тавба, дей-

қўрқмадинг. Дастурхоним безаб турган табарруқ неъмат нонни хор қилдинг. Бисёр экан деб сувга оқиздинг, ахлатга улоқтирдинг. Нонни хор қилганимиз азоби шу, — деган садо келибди.
Шу тоғда қаердандир гадонинг рўпарасида пайдо бўлган нуруний отахон унинг ҳол-аҳолини сўраган бўлиб ҳолатига ачиниб «Тила тилагининг» дегандек бир сўз айтибди. Гадо гойибдан пайдо бўлган бу нуруний отахондан ягона тилаги факат нон эканлигини айтибди. Шундан кейин хориб-чарчаб, кечқурун уйига қайтиб, ўз кўзига ишонмай қолибди. Қай кўз билан кўрсинки, ёзилди дастурхон тўла нон эмиш. У бир неча йил мана шундай мўл-кўлчиликда яшабди. Бора-бора ўтмишини унутибди. Текин томоққа ўрганиб меҳнатдан бўйин товлабди, маъмурчиликнинг шукронасини қилмай, исрофгарчиликка йўл қўйибди. Емишидан қолган нонларни мол-ҳолга берибди. Ортиқчасини ахлат ўшикка ташлабди.
Бир куни кечки пайт уйига қайтса хонадонни ўғри ўргандек шип-шийда, ҳар доим тўкин турадиган дастурхонни бўм-бўш эмиш. Афсус-надомат чекибди. Лекин энди бефойда эди. Қиссадан ҳисса шуки, бориға шукр қилайлик, азизлар. Жисимизга куч-қувват бағишлаб турган, ноннинг қадрига етайлик. Уни тежаб-тергаб ушоғини ҳам хор қилмайлик. Нонни қанчалик эъзозласак, дастурхонимиз шунчалик бут, тўкин бўлади.

зар ҳаёт экан. Бу дўстимиз Салимнинг менга қилган биринчи апрель ҳазили экан.
Ҳазил ҳам эви биланда. Бунақа қалтис ҳазилнинг кимга кераги бор, дея Салимдан анча ранжидим.
Уч-тўрт кун ўтиб, вақт топиб қалтис ҳазил қилган дўстимни бир боппай деб унинг уйига бордим. Қай кўз билан кўрайки, эшик олди тумонат одам. Сўраб-билсам ҳазилкаш дўстимиз тўсатдан вафот этибди. Йиғилганлар унинг дафн маросимига тўпланишган экан. Тавба, дейман ўзимча. Кечagina бировни ўлдига чиқариб юрган одамнинг ўзи бугун ёруғ олам билан хайрлашиб турса фалати бўлар экан.
ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ
Бир доғнишмандан:
— Қайси ярамас одат ҳамма яхши ҳунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.
— Бахиллик, — деган жавобни берди доғнишманд.
Яна сўрадилар.
— Қайси яхши одат ҳамма айбни босади?
— Ҳалоллик ва саҳийлик, — деди доғнишманд. Зеро, тўғри йўлдан адашмаслик, инсофли, адолатли, ҳалол бўлиш, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан иш тутиш, муҳтожларга ёрдам бериш ҳалоллик белгисидир. Ҳар бир инсон учун ҳалоллик кўччилик бахтсаодати учун яшаш демокдир. Фозиллар «Ҳалоллик мартабани безайди», деган ҳикмати беҳуда айтмаганлар-да.

ҲАЗИЛНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР
1 апрель куни эрталаб автобусда мак-



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Учинчи одам билмаган сир ёйилмас, чунки учинчи одам эшитган сир оғиздан оғизга ўтади ва бунинг олдини олиш мумкин бўлмайди.

Бу дунёда билимли бўлмасдан яшаш кийиндир.

Кўшнинг жамоли ер юзини ёритганлиги ва ҳаётга абадий умр бағишлагани каби, илм ҳам қалбларни нур билан ёритади.

Илмли бўлиб, унга амал қилмаганлар билиб туриб таҳликали йўлдан қайтмаган ва йўлда қарқочиларга учраб, бор-йўғидан ажралган одамларга ўхшайдилар.

Бири кўр, бири соғ икки одам ўрага йқирилиб яраланса, фаросатли одамлар кўзи соғ одамни айблайдилар, кўзи ожиз кишининг ишини узрли деб билдилар.

Илм, бошқаларга ўргатиш учунгина қўлга киритилса, одам ундан бирон фойда кўрмаса, у, сувида ҳамма фойдаланадиган, лекин бундан ўзи бебаҳра бўлган булоққа ўхшайди.

Икки нарсадан, яъни илм ва мол-дунёдан одам аввал ўзи фойдаланиб, сўнгра бошқаларга улашиб бериши керак.

Ақлли одам қиладиган ишининг охири нима билан ва қандай туғаниши олдиндан кўз ўнгига келтириши керак.

Аждодларининг ҳаётидан ибрат дарси олиб, уларнинг тажрибасидан фойдаланган одам ақлли ҳисобланади.

Ўзбилармон одам ҳамиша машаққат ичида яшайди.

Зийнли ҳар нарсада бир фойда бор деб айтдилар, энг яхшиси, бошқаларнинг кўрган зийнларини назарда тутиб, уларнинг фойдали тажрибаларидан истифода этиншидир.

Ақлли одамлар тубан ва ярамас муҳитга тушиб қолсалар, тезда ундан қутулишга ҳаракат қилишлари керак.

Агар бир одамнинг кўзига тикан кирса ва у бу тиканни чиқариб олмасдан, уни аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблаб, кўзини ишқай бошласа, мутлақ кўр бўлади.

Ақлли одам кўпнинг раъий билан ҳисоблашиб, унга ишониши керак, лекин шу билан бирга ақл ва тажрибанинг сўзларига ҳам қулоқ осииши керак.

Ақлли одам ўзига раво кўрмагани ўзгага ҳам раво кўрмаслиги керак.

Ҳар бир ишининг, ўз муқофоти бор, муддат етганда албатта оқибати маълум бўлади.

Тиб китобларида: "Табииларнинг энг фозили беморларни пулсиз муолажа этувчилардир, бу йўл билан улар ҳам бу дунёнинг, ҳам нариги дунёнинг неъматларидан баҳраманд бўладилар", деб ёзилган.

Ақлли одам азияти кўп, фойдаси кам бўлган нарсани орзу қиладими?

Агар сен яхши от қолдириб кетиш кифрида бўлсанг, бу фаний дунёда очкўз ва ҳасис бўлма.

Қариндош-уруғларинг, дўст-ошноларинг билан кўпда мағрурланма ва улар билан бирга бўлишни ортқича ҳавас қилма. Ҳамиша уларнинг севинчлари қайгуларидан оз, ғамлари эса шодликларидан кўп бўлади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

"Тошкент оқшомии" ва "Вечерний Ташкент" газеталари тахририяти жамоаси бош муҳаррир ўринбосари Ольга Ивановна Харченкога онаси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

Елена Фёдоровна КАЛИНИНАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

2008 – Ёшлар йили

БОЛА ШАХСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДА БОЛА ШАХСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНЖУМАНДА МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИНИНГ ПЕДАГОГЛАРИ, ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МУТАСАДДИЛАРИ, УСЛУБЧИЛАР, ПСИХОЛОГЛАР БИЛАН БИРГА СЛОВАКИЯ, ЛИТВА, ҚОЗОҒИСТОН КАБИ ДАВЛАТЛАРДАН ҲАМ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати, иқтисодий салоҳияти, фаровонлигида замонавий билим ва малакага эга кадрлар муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланди. Шу боис Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этиш, ёш авлодга пухта билим ва мукамал тарбия бериш давлатимиз раҳбарининг юротаётган сийёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ҳаётга изчиллик билан татибқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий

дастури мамлакатимизда ўн икки йиллик узлуksиз таълим тизимига босқичма-босқич ўтилиши, унинг бўғинлари ўртасида узвийлик, ўзаро уйғунликни таъминлаш, ёшларга билим бериш тизимининг сифати ва даражасини янада юксалтириш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан бу йўналишдаги ишларнинг қўлами янада кенгаймоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олти ярим мингдан зиёд мактабгача таълим маскани фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнини давр талаблари даражасида таш-

кил этиш, тарбиячи-педагогларнинг касбий малака ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Анжуманда педагогика, психология ва махсус педагогика шўбаларида бошланғич таълим ёшидаги болалар психодиагностикаси, уларнинг таълим олиш жараёнига тайёрлиги, ўқувчилар ўзлаштиришининг психологик жиҳатлари, таълим масканларида болалар билан олиб бориладиган психокоррекция ишлар, болани маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиб этиб тарбиялашда таълим масканларининг ўрни ва аҳамияти каби масалалар атрофида муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲАМКОРЛИҚДА ХАЛҚАРО КУЛИГ КУНИГА БАҒИШЛАБ МАҲМУДЖОН ЭШОНКУЛОВНИНГ «КАРИКАТУРА—КУЛДИРАДИ, КҮЙДИРАДИ» НОМЛИ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ.

Кўргазмалар

БУГУНГИ КҮН МАНЗАРАЛАРИ

Маълумки, мангу барҳаёт Хўжа Насриддин дунёнинг ёмонликлари билан ҳаётнинг салбий воқеалари устидан кулиш орқали курашган. Маҳмуджон Эшонкуловнинг иқтидори эса Хўжа Насриддиннинг иқтидори билан ўхшаш бўлса-да унинг бойлиги сўзларни эмас, ёрқин эса қолари сатирик карикатураларни ўзига жо этади. Рассом бу ўхшашликларни яширмайди, ақсинча, янада аникроқ акс эттиришга ҳаракат қилади.

Бунинг унинг оламга машҳур Шарқнинг ўткир сўз устасининг эшакка тескари мингашгани холда мольбертда тасвирланган ер курашини кулгули кифога айлантираётганлиги берилган асарига кўришимиз мумкин. Ҳа, Насриддин Афандининг ўзидан бошқа яна ким ҳам умуман олганда ғамгин бўлган ҳолатини, яъни бир оёғидан ажраган ногироннинг ўзига кераксиз 2-полайбазалини гуллар билан беэтиб, ўзига ўхшаш ногиронга совға қила-

ётганини кулгу, юмор орқали акс эттир-олади. Бу ҳам аксиянинг классик сюжетига дахлдордир.

Кўргазмадаги асарларни бирма-бир кўздан кеңирар экансиз, сатиранинг ўз куралига айлантирган Маҳмуджон Эшонкулов бугунги куннинг асосий бахтсизликлари: терроризм ҳавфи, атроф оламнинг ифлосланиши, одамлар ҳаётига кириб борувчи зарарли иллатларга қарши курашади. Унинг денгиз тубини тўлдирган маийш чикиндилар устида куйиниб ўтирган Нептун, ўзи йўқолиб, даррактларисиз қолган эрталлабк йўрмонда синган телеграф симёғичига тирмашган мунгли айиклар, рамзий маънода тушликка тортилган пирог сифатида вилка санчилган камаланинг бир бўлаги тасвирланган карикатуралари ниҳоятда фаройиб-дир.

СПИДга қарши ишланган деворий плакатлар, компьютер кулига айланган



замонамиз кишини, чекишин зарарли иллатлари тасвирланган бир қатор туркум асарлар бугунги куннинг қайғули муаммолари ҳақида бонг уради. Низомий номидидаги Тошкент давлат педагогика университети графика факультети битирувчиси Маҳмуджон Эшонкуловнинг истеъдоди бугунги кунда наинки мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Унинг асарлари кўлаб республика, халқаро миқёсдаги карикатура кўргазмаларида намойиш этилган. Рассом Хитой, Хорватия, Бразилия, Озарбойжон, Сурия, Япония, Россия каби кўлаб хорижий давлатларда ўтказилган кўргазмаларда олий соврин, медал, диплом ва гранприларга сазовор бўлган.

Кўргазма билан танишар экансиз лабингизга майин табасум югуриб, кайфиятингиз кўтарила боради. Бунинг расмонинг иқтидорига берилган мамнулик ифодаси деса ҳам бўлади.

Гулчехра ДҮРДИЕВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ:

ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИДА ЁШЛАР ЭКОПАРЛАМЕНТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

"Экосан" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ўтган тадбир "Иқлим ўзгариши: ёшлар ташаббуслари" мавзусига бағишланди. Унда олимлар, соҳа мутахассислари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

—Мамлакат аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Аҳолининг экологик ҳуқуқларини таъминлашда ёшларнинг ўрни ва ролини инобатга олган холда, "Экосан" халқаро ташкилотиди "Ёшлар экопарламенти" фаолият юритаёттир, — дейди экопарламент раиси Шохрух Мамаатов.— Унинг асосий мақсади атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик қонунчилигини янада ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишда ёшларнинг фаоллигини оширишга қаратилган. Мазкур тадбир ҳам худди ана шундай муаммоларга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда таъкидланишича, сўнгги юз йил давомида ер шаридаги ўртача глобал ҳарорат 0,74С° га ошган, денгизлар сатҳи эса 19-58 сантиметрга кўтарилган. Иқлимнинг бу каби ўзгаришлари турли офатларни келтириб чиқариши мумкин. Ўзбекистонда ҳам иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида ёнилғи-энергетик объектларини модернизация қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, чикиндиларни утилизация қилиш борасида бир неча лойиҳалар амалга ошириляптир. Жумладан, халқаро ташкилотлар кўмағида ўрмонзорлар барпо қилиниб қуёш батареялари жорий этиляптир.

Тадбирда иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазият, унинг сабаб ва оқибатлари атрофлича муҳокама қилинди. Бунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги эътироф этилди. Шунингдек, мавжуд экологик қонунчилигини такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар ҳамкорлигини ривожлантириш, "Ёшлар иқлим ўзгариши шараитларида" дастурини ишлаб чиқиш, инсон саломатлигига бўлган салбий таъсирини қамайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, чикиндиларни қайта ишлаш натижасида нафақат махсулот, балки электоренергия ишлаб чиқарувчи технологиялар билан ёш олимларни таништириш айна зарурат эканлиги таъкидланди.

Раҳшона ТОШПҮЛАТОВА, "Туркистон-пресс"

Қатралар

ОҚИБАТ ҚОЛАР

Яхмалак йўлдан бир-бирига қарама-қарши келаётган икки киши қадамларини ўйлаб босишади. Орада эллик метр қолганда бир-бирларини таниб қолиши.

— Тўхта туриг биродар. Қўлтигингиздан олиб, ёрдам бераман.

— Омон бўлинг-е. Ўзингиз тўхта қолинг. Сиздан хавотир қўлаяман.

— Тўхташ қаёқда. Бир-бирларини тойғонан кетишдан эҳтиёт қилиш, меҳрибонлик ҳисси руҳан тетиқ, оёқларига қувват бахш этиб, қайтага тезроқ одимлашга ундади.

Биродарлар саломат кўришдик, дея омонлашдилар. Қўлама фансининг илик тафтидан муқабар эриб, исзис йўқолди. Биродарлар ўртасидаги меҳр-оқибат эса товланиб, абадий қолди.

ТИКАНЛАР

Азамат боғбон боғни парваришлаб, баракали ҳосили билан хўжайинини бойитибди. Бойитибди-ю, оғир меҳнат эвазига бир оғиз ширин сўз эшитмабди. «Қорнинг тўйса бўлди-де» каби камситиш сўзлардан аламзада бўлибди. Баҳор келгач хўжайин унга: — Анави ариқ бўйи буш экан. Мева дарактларидан экиб қўй, —дебди.

Азамат мева кўчатлари ўрнига тикан кўчатларини экти.

— Тиканлардан не фойда уларга ширин мева берадиган даракт новдасидан улайсанми? — сўради хўжайин.

— Тиканга мевани улаб кўқартириб бўлмайди. Тиканни кўқартирсан ширин мева бермайдими?

Хўжайин туюқиб: — Мени масҳара қиляпсанми? Тикандан мева ҳосили бўладими? — деган эди Азамат бўш келмади: — Сизни бой қилсам-у, нечун захрингизни сочаверасиз, сочаверасиз. Тикандан ширин мева унмагандек, бўёғига сиз ҳам мендан энди яхшилик кутманг. Хайр сизга...

ҲИСОБЛИ ДЎСТ

Ҳисобли дўст айрилмас, деган халқимиз. Бир туп даракт кесиб, ўрнига экмай табиатга, яшил дўстимизга хиёнат қилмайлик. Йўқса келажак зурриёдларимиз ҳувиллаган заминда яшаб, биздан хафа бўлишади. Қиёмат қойимга бир кун қолса ҳам кўчат эк, дейишгани бежиз эмас.

Фани АБДУЛЛАЕВ

САЙЁҲЛИКНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда Президент Исрол Каримов раҳнамолигида сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, унинг замонавий турларини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляётгани алоҳида таъкидланди.

Юртимизда буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини асл ҳолича ўрганиш, қадимий ёдгорликларимиз ва маданий обидаларимизни асраб-авайлаш, бетакор табиатимизни муҳофаза қилиш, халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатишни янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиляптир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизнинг гўзал гўшаларидан бўлган Хоразм воҳаси бой тарихи, ўзига хос табиати, қўхна обидалари ва бебаҳо тарихий ёдгорликлари билан машҳур. Урганч ва Хива шаҳарлари жамоли, ноёб ёдгорликлари, осори-атикалари билан етти иқлим сайёҳларини ўзига чорлаб келган.

Тадбирда мазкур воҳада сайёҳлик соҳасини ривожлантириш борасида олиб бориляётган ишлар, бераётган самаралар таҳлил қилинди.

Надира МАНЗУРОВА, ЎЗА муҳбири

Мухлисларга тухфа

«ФИФА»НИ ЎҚИБ БАҲРА ОЛИНГ

ФУТБОЛНИ МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ ДЕЙДИЛАР. БИНОБАРИН, ДУНЁНИНГ ҚАЙСИ БИР БУРЧАГИГА БОРМАНГ ФУТБОЛ ЎЙИНИ МАВЖУДЛИГИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛСИЗ. ЖАҲОН ВА ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТЛАРИ, ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ ҲАЯЖОНЛИ БЕЛЛАШУВЛАРИНИ ЭСА БУТУН КҲУРРАЙ ЗАМИН АҲЛИ ЗЎР ИШТИЁҚ БИЛАН ТОМОША ҚИЛАДИ.

Ўз навбатида ишқибозлар оммавий ахборот воситалари орқали бериладиган кўрсатувлар, мақолалар, футболга иxtисослашган нашрларнинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутадилар. Шўқри, юртимизда «Ўзбекистон футбол»и, «Интер футбол» каби футболга иxtисослашган газеталар, ҳафтанома, таҳлилий мақолалар, мамлакат ва жаҳон миқёсидаги янгиликлар, қизиқарли статистик мақолалари билан мухлислар «чанқоғини» қондирмоқда.

Бирок, шу вақтга қадар силлиқ қоғозга босиладиган, рангли, ранг-баранг, бир сўз билан айтганда, халқаро андозлар талабларига мос футболга бағишланган журнал мавжуд эмасди. Ниҳоят, бир гуруҳ футбол захматкашлари, иқтидорли журналистларнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу кемтиклика барҳам берилиб, шу йилнинг февраль ойидан бошлаб «ФИФА» номи билан (бу Халқаро футбол федерацияси номини билдирмайди, балки «Футбол ичида, футбол атрофида» сўзларининг қисқартирмасидир) рангли футбол журнали гоп этила бошлади ва бу юртимиз футбол мухлисларига янги мавсум олдиндан ўзига хос тухфа бўлди.

Янги ойлик журналнинг нишон ва илк сонига назар ташлар эканмиз, мухлису мутахассислар маза қилиб мутулаа қиладиган кўлаб мулоҳазали мақолалар, янгиликлар, қизиқарли суҳбатлар берилганлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, нишон сонининг 2010 йилги жаҳон чемпионати оstonасида турган ва ушбу оламшумул муносабаларда қатнашиш мақсадида саралаш турнирларида маҳорат билан тўп сураётган терма жамоамиз бош мураббийси Рауф Инилеев билан суҳбат орқали бошланиши эътиборга лойиқдир. Шунингдек, Осиё чемпионлари лигасининг ўйинлари, легионер Г.Гочулиев билан суҳбат, Европа чемпионлар лигаси ҳақидаги мақолалар ҳам мазмунли чиққан. Айниқса, Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираб-рор Усмонов билан суҳбат ўйлаймизки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Жаҳон футбол ҳаётига бағишланган—«Евро—2008» олдиндан Руминия, Франция, Голландия терма жамоалари тўғрисидаги лавҳалар, Англия, Италия, Испания чемпионати тўғрисидаги мақолалар ҳам журналдан ўз ўрнини топган. Ўйлаймизки, кейинги сонларда миллий терма жамоамиз тарихи ва бугунги кунини, ўзбек ва жаҳон футбол олдизлари тўғрисидаги мақолалар, ранг-баранг статистик маълумотларга кенг-роқ ўрин берилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-нона.

(Газетанинг навбатдаги сони 9 апрелда чиқади)

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Бюролма Г-306

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3350 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбعا акциядорлик компанияси босмаюнаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6